



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил  
16 ноябрь  
СЕШАНБА  
№ 91  
(12.311)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
БАЙРОФИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

## ЎЗЛИГИМИЗ РАМЗИ

Давлатчилик тарихининг барча давларида давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонларда ҳам булар шунчаки, давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмай, катта ижтимоий маънавий аҳамият ҳам касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш гоёси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топади. Шу боис аждодларимиз давлат тимсоллари учун ўз жонларини фидо этганлар. Жангу-жадалларда байроқнинг кулаши ёки душман кўлига ўтиши мағлубият билан баробар бўлганлигига тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1221 йилнинг кузида мўғул босқинчилари олти ойлик камалдан сўнг Хоразм пойтахти Гургангга ёпирилиб кирганда Шайх Нажмиддин Кубро шаҳар мудофаси раҳнамоларидан бирига айланган. Тенгсиз курашда ўз кўксини душман найзасига қалқон қилиб, юрт озодлиги йўлида шахид бўлди. Айтишларича, шайх ўлими олдида мўғул яловбардоридан байрогини тортиб олиб, ерга қулайди. Ёвга нисбатан нафрат шу қадар кучли эдики, мўғуллар Шайхнинг жонсиз кўлидан байроқларини тортиб ололмай, унинг панжаларини кесиб мажбур бўлишган. Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги бу жасорати қарийб саккиз юз йилдирки, барча авлодларга ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Шу сабабли жангларда давлат байроғини Амур Темурнинг энг ишончли баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Темур тузуқларида таъкидланишича, шижоат ва мардлик кўрсатиб, душман устидан галаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари – туғ ва ноғора билан муқофотланганлар. Бу соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд тургандан далолат беради.

Келажаги буюк давлат барпо этиш гоёси мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ қабул қилинган давлатимиз

рамзларида ҳам ўз аксини топган.

1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғимизда ҳам халқимизнинг хош-иродаси, ақл-салоҳияти, миллий гурури, кайфияти акс этган. Давлат байроғи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини аниқлашда ҳамда мамлакатнинг миллий-маданий аъёнларини ўзида муассасамизда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғининг узунлиги 250, кенлиги 125 сантиметр. Мовий, оқ ва яшил рангли энларининг ҳар бири 40 сантиметр, байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидаги қизил хошияларнинг кенлиги 2,5 сантиметр га тенг. Байроқнинг юқори қисмида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Давлатимиз байроғида ўз аксини топган ҳар бир рамз республикамизнинг миллий-маданий аъёнларини ўзида муассасамизда.

Давлатимиз байроғи мамлакат Президентини, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идоралари, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган биноларда, Ўзбекистоннинг расмий делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда кўтарилади. Бу қондалар алоҳида қонун асосида белгиланган.

Нафакат ўтишда, балки ҳозирги кунда ҳам давлат байроғининг аҳамияти ошиб бормоқда. Боиси, халқларнинг мустақиллик учун кураши ва галабаси жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида намоен бўлмоқда. 1992 йилнинг 2 мартда БМТга аъзо мамлакатлар сифатида мустақил Ўзбекистон байроғининг ҳам хиллирай бошлагани доимо бизни гурурлантириб туради.

Феруза ОЛИМОВА,  
вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари.

## БАЙРОҒИМ

Янги чиққан ҳиллол сенда муҳассам,  
Хурлик дебодаси, масъудлик рамзи.  
Ёнида порлаган ўн икки юлдуз  
Ўн икки буржимнинг сендаги изи.

Мовийлик – тиниқлик демак, аслида,  
Юртимнинг беғубор, тиниқ осмони.  
Икки қизил чизиқ аслар оша  
Томиримда оққан бобомнинг қони.


Ўртадаги оқлик – поклик белгиси,  
Ўзбек элатининг тоза юраги.  
Яшиллик – далаю қирларимдаги  
Тўқинлик, халқимнинг эзгу тилаги.

Байроғим, эзгулик тимсоли бўлиб,  
Жаҳон айвонида мангу ҳилпират.  
То дунё бор экан, башар барҳаёт.  
Қаддингни эгмагил, эгилма сира!

Каримқул МАВЛОН.

2011 йил учун  
**ОБУНА** давом  
этноқда  
**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
газетасининг  
индекси – 205.

## БУГУННИНГ ГАПИ



## МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Оққўрғон туманидаги "Хислатбек Бобур" фермер хўжалигида ҳар қарчирнинг қадрига етишди. Хўжаликда меҳнат қилаётган 14 пахтакор, галлакор ва механизаторнинг ҳар бири тупрок унумдорлигини ошириш борасида етарли тажриба ортирди. Шу кунларда экиндан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланмоқда. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ҳам қизгин бошлаб юборилди.

– Ҳар бир ишни вақтида бажариш, агротехника талабларига оғишмай амал қилиш яхши самара беради, – дейди фермер Бобур Холбеков. – 27 гектар майдондан 110 тонна бугдўй ҳосили олди. Контракция шартномаси асосида 88 тонна донни тайёрлов корхонасига топшириб, 22 тонна бугдўйни ишловчиларга меҳнатига қараб тақсимлади. 20,8 гектар майдонда етиштирган пахтаемизнинг

чўғи ҳам юқори бўлди. Тайёрлов пунктга 56 тонна юқори нав пахта сотди.

Фермер хўжалиги шу кунларда ерларни шудгорлаш ва кузги бугдўй парваришини кучайтириб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрламоқда.

СУРАТДА: фермер Бобур Холбеков.  
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

## ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунини ўрганиш мақсадида вилоят ҳокимлигида халқ таълими, ўрта-маҳсул, касб-ҳунар таълими бошқармалари вакиллари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиблари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, ички ишлар бошқармаси, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспекторлари иштирокида ўқув-машғулот итказилди.

## ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНДИ

Машғулотда таъкидланганидек, вояга етмаганлар ўртасида юз берган ҳуқуқбузарликларнинг аксариятини назоратсиз қолган ёки оиладаги ноҳуш муҳит таъсирида кўчадан "панох" топган болалар содир этишган. Бунинг олдини олиш учун ички ишлар идораларида вояга етмаганлар билан ишловчи бўлиналар, махсус комиссиялар ташкил этилгани вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда.

"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун шу муаммо билан шугулланувчи ҳамда ёшлар таълим-тарбияси учун масъул

ташкilotларнинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ чегаралаб берди. Қонун, шунингдек, қаровсиз болаларни махсус таълим масканларига жойлаштириш ҳамда нотинч оилалар билан ишлашнинг процессуал жиҳатларини қонун билан кафолатлади.

Семинарда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг иш фаолияти ҳам муҳокама қилинди. Юқорида зикр этилган қонунни жойларда чуқур ўрганиш, уни амалдаги иш жараёнига татбиқ этиш бўйича тавсиялар берилди.

Машғулот савол-жавоб ва қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтди.  
Саид АСКАРОВ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТимоий НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи – ойига 49 735 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 97 285 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулли) разряд – ойига 49 735 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 97 285 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 59 690 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилган устима ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб

чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,1 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим мошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишини таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим мошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Тошкент шаҳри, 2010 йил 15 ноябрь.

ри ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларида ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ.

## ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

### ХАРАШКЕТ- ҚАНҚА

Тошкент воҳаси ажабтовур бой ва мафтункор. Ҳар қадамда тўқин бор-роғлари, осмонўпар хушманзара тоғлари, ҳаётбахш дарё ва кўллари, беҳисоб жилға ва сойлари бу ўлкага битмас-туганмас бойлик ва гўзаллик бахш этиб туради. У бой тарихи ва маданияти билан олимлар ва сайёҳларни, шоир ва рассомларни, ҳатто, кўплаб истежмолчиларнинг эътиборини асрлар оша ўзига жалб этиб келади.

Қадим замонларда Тошкент воҳасида эллика яқин гўзал шаҳарлар бўлган. Урта аср олимлари – географ ва тарихчилар ўз ҳаяжонларини яширмай, хунармандчилик бекиёс ривожланган, мевали боғлари гуллаб-яшнаган бундай гавжум шаҳарлар Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросонда ҳам йўқ эканлигини таъкидлаганлар.

Шоҳруҳия (Бинкет), Улкантўйтепа, Шутуркет, Тункет, Кабарна, Фарикет каби тарихий атамалар халқ хотирасида ҳамон яшамоқда. Аллақачонлар ер узидан йўқ бўлиб кетган бу шаҳар-

лар тарих қатларига, одамлар қалбига кўчган. Археолог олимларнинг машаққат чекиб, ўша тарих қатларини қаричмақариб очиб, бизни ўтмишининг номаълум янги саҳифаларидан воқиф этаётганлари шундан далолат бермайдими? Бордан йўқ бўлмайди. Биз китоб ва фильмлар, буюк шаҳарлар ҳаёти ҳақидаги танқис маълумотлар орқали ўз тарихий хотирамиз сарчашмаларига яна ва яна қайтаверамиз. Бу жабраён ҳаётнинг ўзи каби абадийдир.

(Давоми 4-бетда).

## ИФТИХОР



### САНОАТ САЛОҲИЯТИГА ЯРАША

2010 йилнинг тўққиз ойида вилоятимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга ўсиши таъминланди.

Бунда аввало, вилоятнинг саноат салоҳиятини янада ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан 132 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани, корхоналари техник жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича 33 та лойиҳа амалга оширилгани муҳим омил бўлди.





ИЙД ҚУРБОН МУБОРАК!

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида маънавиятни юксалтириш, умрбоқий аънава ва қадриятлар, урф-одатларни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, ислом дини қадриятларини тиклаш, ислом моданиятини эзгу гуяларини кенг тарғиб этиш йўлида амалга оширилган улкан ишлар маънавий юксалишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланаётди.

Таъкидлаш жоиз, бу борадаги эзгу сазой-ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги давридаёқ бошланган эди. Хусусан, 1991 йил 20 июнда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Диний байрам - Курбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги фармони эълон қилинган ҳам бунинг ёрқин далилидир. Ушбу ҳужжатда биноан Курбон ҳайити шундан бунён ғурбатда ҳар йили кенг нишонланади.

Мамлакатимизда фуқаролар учун виждон ва эътиқод эркинлиги Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган. Бош Қомусимизнинг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани белгиланган. Конституциянинг ушбу моддаси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги муҳим тамойил бўлиб, айни пайтда жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тинч-тотувлик ва диний эркинликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Инсоният тамаддуни бешикларидан бири сифатида эътироф этилган диёримиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Абдуллохки Фихрудиний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор Валий каби буюк ақолилар ислом маданиятини равақ топтиришга беқиёс ҳисса қўшганлар. 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ҳам халқимизнинг ислом дини ривожига қўшган ҳиссасининг халқаро эътирофидир.

Президентимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарида "Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил гаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини

ошириш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Улар зиёратни тўла-тўқис амалга ошириши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Ҳожиларимизга тураржой, тиббий хизмат кўрсатиш босқинчида барча зарур чоралар кўрилган.

Президентимизнинг 2010 йил 9 ноябрда эълон қилинган "Курбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 16 ноябрда юртимизда ушбу муборока айём байрам сифатида кенг нишонланади. Меҳр-мурувват, эъза ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган Курбон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўриломоқда.

Ҳайит байрами кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга чақириб билан бирга, эъза ёрдам-хурмат, саховат кўрсатишга ундайди, - дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдуразақ Юнусов. - Байрамда ота-онаси, яқинларининг, шунингдек, кекасалар, беморлар, ногиронлар, етимлар ҳолидан хабар олиш энг яхши амаллардандир.

Ҳайит муносабати билан ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кекасалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, "Меҳрибонлик", "Мурувват" ва "Саховат" уйларига моддий ёрдамлар кўрсатиломоқда. Бундай хайрли амаллар юртоқларимиз ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Юртоқларимиз байрамни тинч ва осойишта ўтказиши учун тегишли идора ва ташкилотлар томонидан барча техник ва хавфсизлик чоралари кўрилади. Ҳайит намози ўқиладиган масжидларнинг техник ҳолатини мос равишда ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қўлқонларига риоя қилган ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тадбирлари амалга ошириломоқда.

Тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга эъза, ҳиммат ва саховат каби аънавалар юртимизда мустаҳкам қарор топган. Мана шундай фараҳбахш кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик ва шодумонлик туйғуси жўш уриши шубҳасиз. Шу маънода, муборока Курбон ҳайитининг юртимизда кенг нишонланиши тинчлик ва осойишталикнинг, қўлга киритаётган бемисл ютуқларимизнинг шукронасидир. **Хусниддин БЕРДИЕВ, Ўза шарҳловчиси.**

ИЛЛАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Яшашдан мақсад-муддаоси қолмаганга ўхшайди. - Ҳар кун бу ерда саргайиб ўтиравергандан кўра, бир ишинг бошини тутсангиз, фарзандларингиз тарбияси билан шуғуллансангиз бўлмайми? - деб сўрадим ундан.

Эй, ука, Ёшлигимиз ўтди, кетди, - деди у. - Бировларга тақдир қилиб бошланган иллат, охир-оқибатда мени ўз домига олди. Кашандалик ва ичкиликбозлик туйғуларининг айрилди, оилам, қариндош-уруғ ва яқинларим хурматини йўқотдим. Шу иллатларга туйғули керакисиз одамга айланиб қолганимни ҳис қиламан, лекин бу йўлдан қайтишга кучим етмайди.

Бугунги кунда чекиш ва ичиш каби иллатларга қарши курашиш, аҳолини, айниқса ёшларни уллардан сақлаш борасида қўлбағ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йил сентябрь ойида "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига ўзгартириш қилиниши қўриқилди.

Ўтган-кетган одамлардан сират, вино ёки пивога пул ташлаб кетишини сўрайди. Уэлгини тамоман унутган-ки, Тамаки ва алкоголь маҳсулотлари инсон соғлиғига зарар етказувчи, одам организмидан ногиронлик ва ўлимга олиб келадиган турли хасталикларни пайдо қилувчи иллатлардандир. Бир одамни билламан. Яшашга уйи, оиласи, ишлайман деса, биллига кучи бор. Аммо меҳнатга тоби йўқ. Эртаю кеч маҳалладаги дўкон олдидан кетмайди. Кетма-кет тўлатилган тамаки, ичилган вино унинг озиғи уриб кетган. Утган-кетган одамлардан сират, вино ёки пивога пул ташлаб кетишини сўрайди. Уэлгини тамоман унутган-ки,

ИНТЕРНЕТ КУЧЛИМИ ЭКИ КИТОБ?

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Бугунги кунда ўсимлар онгининг шаклланишида интернетнинг таъсири кучлими ёки китобнинг?" мавзусида ўқувчи-ёшларнинг мунозара-дебати бўлиб ўтди.

Мунозара чоғида болани ёшлигидан фақат аниқ бир соҳага йўналтириш кераклиги ҳамда бу таъбир турли ривожланган мамлакатлар амалиётида ҳам сингалланган таъкидланди. Инсон турли касб-хунарга қизиқиши табиий, лекин унинг алоҳида бир соҳага йўналтирилган касби бўлиши ва унга бор меҳру-шижоатини бахшида этиши кераклиги қайд этилди.

Муҳокамада шунингдек, мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникация соҳасида амалга оширилаётган исчилохотлар самараси ўлароқ, юртимиз аҳолисининг интернет тармоғидан фойдаланиш суръати ҳам жадал ривожланиб бораётганини эътироф этилди. Аммо унинг баъзи бир салбий жиҳатлари, хусусан чегара билмас турли ахборотлар оқимининг тўхтовсиз кириб келиши ёш болалар ва ўсимлар онгу шуурига, соғлиғига жиддий таъсир ўтказиши эҳтимол ҳоли эмас.

Иштирокчилар китобнинг илм манбаи эканлиги, у тўғрйлигина инсоният қомилликка эришганлиги ҳамда ёш болалар учун интернетдан фойдаланишдан қўра, китоб ўқиш фойдалироқ деган фикрни маъқуллашди. **Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".**

Байрам АЙТМУРОДОВ, Ўза муҳбири.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Оққўрғон туманидаги ўнлаб тарихий ёдгорликлар қаторида иккита қадимий шаҳар - Шоҳруҳия (Бинт) ва Қанқа (Харашкет) тез-тез тилга олинади. Шоҳруҳия ҳақида кўп ҳикоя қилиниди. Бизнинг бугунги ҳикоямиз Қанқа ҳақида.

Қанқа - улкан шаҳар. Бу шаҳар-давлатнинг қай даражада буюк бўлганини охиригача аниқлаб етилмаган ва очилмаган. У Тошкент минтақасидаги энг йirik ёдгорлик. Қанқа антик даврдаги Тошкент ўлкасининг пойтахти, Урта асрда Харашкет номи билан Чоң (Тошкент воҳаси)нинг катталик жиҳатидан Бинкетдан кейинги иккинчи маркази бўлган. Бу ёдгорлик XIX асрдаёқ - 1888 йилда В. Верещачин, 1898 йилда Е. Смирнов томонидан қайд этилган. 1907 йилда И. Беляев, 1934 йилда машҳур академик М. Массон биринчи марта фотосуратини олишди.

1986 йилда Чотқол-Қурама археология отряди биринчи бор иш бошлади. 1989 йилда ўзбек археологлари П. Зоҳидов ва К. Абдуллаев қазиларини олиб боришди. Академик Юрий Буряков умрининг катта қисмини Қанқани ўрганишга бағишлади. Унинг ёш ҳамкасби Геннадий Богомолов 1980-1990 йилларда бу ишни давом эттирди.

Ю. Буряков ва унинг отряди кўп йиллар давомида тўплаган маълумотлар бизнинг эраимизга бўлган биринчи асрлардан то XIII асргача бу ерда ҳаёт ривожланиб бориб, далолат беради.

X-XII асрлардаги шарқ географлари Харашкет ёки Қанқа йириклик жиҳатидан Тошкент давлати пойтахти (Давом. Боши 1-бетда).

атамаси ўз ичига олган дехқончилик оид эътиқодий удумлар марказида ҳамон охиригача ўрганиб улгурилмаган шу ажойиб эркин жониворлар турган кўрнунди. Бироқ, 1980-йилларнинг охирида топилган XI асрга таалуқли танга пулда археологлар "Харажет" сўзини ўқидилар. Бу сўздаги биттагина харфий белги атам мазмуни деярли ўзгартириб юборди.

Бугунги Қанқа фермер хўжалиги даласининг ўртасидан ўрин олган баланд тепаликдан иборат. Бу кўнча ёдгорлик бир вақтлар қандай гузал ва мафтункор шаҳар бўлганлигини ҳозир ҳамма ҳам тасаввур қила олмас керак.

Қанқадаги машҳур топилмалардан бири ўтпасталик ибодатхонасидир. Зардуштийлик оловининг муқаддас меҳроби. Ва яна - ҳай-

ча деярли номаълум эди. Археология институту Тошкент филиали олимлари, хусусан, Ю. Буряковнинг кўнгил билан қилган меҳнатлари натижасида воҳа ўзининг ҳайратомуз бежирми ҳайкалчалар коллекциясини инъом этди.

Ҳайвонпасталикка оид шакллар барча халқлар ҳаёти ва кундалик турмушида асрлар оша яшаб келган. Қанқа ўз изловчиларини мисли қўрилмаган бойлик - роҳат-фароғат ва тўқин-сочинлик рамзи бўлган Фарна Худосини ифода этувчи кўй ҳайкалчалари билан сийлади. Фалаба Худоси рамзи қудратли ёввойи қўбон - Веретрагна ҳайкалчасида ақ этган. Чавандоз қомати манаман деб турган олтинранг бронза ҳайкалча, тилла тақинчоқлар, танга пуллар... Ҳа, Қанқа тилга кирди. Тўғрйроғи, ўз тилсимларини нафақат олиму мухтаассилар, балки улар орқали кенг жамоатчиликка ҳам оча бошлади. Мақсад - токи, у инъом эътаётган тарихий осори-атикалар келажак авлодлар учун авайлаб асрласин.

Бугунги Қанқа 180 гектар майдонни эгаллаган. Мавриди келганда шунга ҳам таъкидлаш ўринлики, бугунги Қанқа - мутасадди кишиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги оқибатида ҳамон тарихий ёдгорлик сифатидаги аҳамиятини йўқотиб хавфи остида қолаётган ва бу билан ҳаммамизга инсониятнинг энг олий бурчи - ўз ери, ўз Ватанининг халоскори бўлиш бурчини эс-латиб турувчи кўнча шаҳар. Буни унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

**Зариф ШЕРМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин ЭМОР" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

ХАРАШКЕТ - ҚАНҚА

нома" асарида ҳам келтирилган. М. Массон қадимий карвон йўллари бўйлаб кенган кўп йиллик экспедицияларидан сўнг тахмин қилдики, Харашкет - қулонлар шаҳри. Бу ажойиб олимнинг "Урта Осиёдаги ёввойи қулонлар тарихидан" номили ҳайратланарли китоби бор. Қулон сўзи Урта Осиёдаги бир қатор келажак ва аҳоли яшаш жойлари номида ҳам учрайди. X асрдаги араб географлари Шош - Илоқдаги йирик шаҳарлардан бири "ёввойи эшаклар шаҳри" номини олганлигини таъкидлашган. Аммо, бу шаҳарнинг аҳамиятини заррача камситмаган. Негаки, қадимда қулонларга эҳтиром билан қарашган ва авайлашган. Урта Осиёлик дехқонлар ва қўчманчилар қулонларнинг кучи ва қўрқув билмаслигини алоҳида таъкидлашган. Бўрилар қулонларнинг кучли тепкисидан жуда қўрқибди.

Шарқда узоқ вақт давомида қулонларга нисбатан меҳр-оқибат билан муносабатда бўлинган. Обурли оилалар аъзолари исм-шарифларга қулон қўшимчаси киритилиб, ҳурматланган. Афтидан, Харашкет

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилымы: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Навбатчи муҳаррир Абулфайз САЙДАСҚАРОВ Навбатчи ШОҲРУҲ ҲАКИМОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲЖАЕВ